

XXI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ¹

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолини тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимини кенг қўламли модернизация қилиш ишлари амалга оширилди. Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи ривожланмоқда.

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизимининг ривожланиши беморларни электрон карталарини юритиш ва онлайн рўйхатга олиш орқали тиббий хизматлардан фойдаланишни соддалаштирди ва уларнинг самарадорлигини оширди.


Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди. Шунингдек, акушерлик хизматининг яхшиланиши ва перинатал марказларнинг ташкил этилиши сабабли гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичлари ҳам камайди.

Давлат дастурлари орқали соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепция”си соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик – 2020 ва Барқарор ривожланиш мақсадлари – 2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ўлим даражасини пасайтириш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини ошириш борасида салмоқли муваффақиятларга эришди. Соғлиқни сақлаш тизими, янги технологияларни жорий этиган ҳолда, ривожланишда давом этмоқда.


¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар *Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг август ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасида шифохона муассасалари сони ¹
(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида шифохона муассасалари сони 1 432 тага етган ва 2019 йилга нисбатан 227 тага ошган, бу 18,8 % га ўсишни ташкил этган.

Шифохона муассасалари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023 йил охирига, бирлик)




2023 йилда энг кўп шифохона муассасалари Андижон вилояти (179 та), Тошкент ш. (167 та) ва Фарғона вилоятида (135 та) қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (40 та), Сирдарё (44 та) ва Жиззах (58 та) вилоятларига тўғри келган.

Шифохона муассасалари сони – бу кўрсаткич аҳолига стационар тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг умумий сонини акс эттиради. Бундай муассасаларга касалхоналар, госпиталлар, ихтисослаштирилган клиникалар ва беморлар кечаю кундуз қолиши мумкин бўлган шароитда тиббий ёрдам кўрсатадиган бошқа муассасалар киради. Ушбу кўрсаткич ҳудуд ёки мамлакатда стационар тиббий ёрдамдан фойдаланиши имкониятини баҳолаш учун ишлатилади.

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.


Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида
фаолият юритаётган шифохона муассасалари сони
(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил охирига Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасалари сони 724 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 149 тага, яъни 25,9 % га ошди.




Худудлар кесимида
(2023 йил охирига, бирлик)



Худудий таҳлилга қараганда, Андижон вилояти (126 та), Тошкент ш. (81 та) ва Наманган вилоятида (80 та) энг кўп кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасалари қайд этилган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти (11 та), Қорақалпоғистон Респ. (19 та) ва Сирдарё вилоятига (19 та) тўғри келган.

Тиббиёт муассасалари тармоғига – барча мулкчилик шаклидаги касалхона ва амбулатория-поликлиника муассасалари, тез тиббий ёрдам муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-эпидемиологик станциялар, тиббий-санитария қисмлари ва бошқалар кирди.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
амбулатория-поликлиника муассасалари сони ¹**
(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони 8 011 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 2 097 тага кўпайиб, 35,5 % га ўсди.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сони – бу кўрсаткич аҳолига амбулатория ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг умумий сонини акс эттиради. Бундай муассасаларга шифохоналарга жойлаштирмасдан консультация, диагностика ва даволаш хизматларини кўрсатадиган, шунингдек, профилактика ишларини олиб борадиган поликлиника, амбулатория ва тиббиёт марказлари киради. Ушбу кўрсаткич ҳудуд ёки мамлакатда амбулатор тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ва қамровини баҳолаш учун ишлатилади.


**Фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сонини
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2023 йил охирига, бирлик)

| | |
|-----------------------|-------|
| Тошкент ш. | 1 158 |
| Самарқанд | 808 |
| Фарғона | 697 |
| Қашқадарё | 657 |
| Бухоро | 634 |
| Андижон | 596 |
| Тошкент | 587 |
| Хоразм | 533 |
| Наманган | 521 |
| Қорақалпоғистон Респ. | 462 |
| Сурхондарё | 448 |
| Навоий | 384 |
| Жиззах | 276 |
| Сирдарё | 228 |



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес)
субъекти сифатида фаолият юритаётган
амбулатория-поликлиника муассасалари сони
(тегишли йилнинг охирига, бирлик)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони 5 172 тага етди ва 2019 йилга нисбатан 1 810 тага, яъни 53,8 % га кўпайди.




Ҳудудлар кесимида
(2023 йил охирига, бирлик)



Ҳудудлар кесимида 2023 йил якунига кўра, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасаларининг энг кўп қисми Тошкент ш. (938 та), Самарқанд (529 та) ва Фарғона (458 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (91 та), Жиззах (133 та) ва Навоий (199 та) вилоятларида белгиланган.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони ¹**
(тегишли йилнинг охирига, минг бирлик)



2023 йил охирига кўра, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони 174,5 мингтани ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 21,1 минггага кўпайди ва бу 13,8 % га ўсишни ташкил этди.

Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони – бу кўрсаткич шифохона ва бошқа тиббий муассасаларда беморларни ётқизиш учун мавжуд бўлган ўринларнинг умумий сонини акс эттиради. У барча турдаги ётоқ ўринларини ўз ичига олади: ўткир касалликларни даволаш, реабилитация, ихтисослаштирилган хизматлар ва бошқа тиббий эҳтиёжлар учун. Ушбу кўрсаткич соғлиқни сақлаш тизимининг қувватини баҳолаш, ресурсларни режаслаштириш ва тиббий ёрдамни аҳоли ўртасида тақсимлаш учун ишлатилади.


**Фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги
бемор ўринлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2023 йил охирига, минг бирлик)



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони ¹

(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони 105,7 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 13,8 минг кишига, яъни 15,0 % га кўпайди.

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сони – бу кўрсаткич мутахассислигидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган олий тиббий маълумотли мутахассисларнинг умумий сонини акс эттиради. У даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот муассасалари, таълим таъкилотлари ва тиббиёт фаолияти билан боғлиқ бошқа соҳаларда банд бўлган врачларни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич соғлиқни сақлаш тизимини кадрлар билан таъминлашни таҳлил қилиш ва аҳоли учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини баҳолаш учун ишлатилади.

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сонини


ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)



¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

Барча мутахассисликлар бўйича врачлар сонини гендер тақсимоти ¹
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)




2023 йилда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган врачларнинг умумий сонида аёллар улуши 46,9 % ни, эркаклар улуши эса – 53,1 % ни ташкил этган. 2019 йил маълумотларига кўра аёл-шифокорлар сони – 12,0 % га, эркак-шифокорлар сони – 17,9 % га ошган.

**Ихтисосликлар ва айрим мутахассисликлар бўйича
врачлар билан таъминланганлик**
(тегишли йилнинг охирига, 10 000 аҳолига нисбатан врачлар сони)

| | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |
|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| Жами врачлар, | 27,1 | 27,0 | 27,1 | 27,9 | 28,7 |
| <i>улардан:</i> | | | | | |
| терапевтик ихтисослиги бўйича | 5,7 | 6,0 | 6,5 | 9,3 | 9,5 |
| жарроҳлик ихтисослиги бўйича | 3,4 | 3,3 | 3,3 | 3,2 | 3,3 |
| акушер-гинекологлар (10 000 аёлга нисбатан) | 3,4 | 3,1 | 2,9 | 3,0 | 3,0 |
| педиатрлар (0-14 ёшдаги 10 000 болага нисбатан) | 11,4 | 5,2 | 4,8 | 5,5 | 4,1 |
| педиатрлар (0-17 ёшдаги 10 000 болага нисбатан) | 9,9 | 4,5 | 4,1 | 4,8 | 3,6 |
| офтальмологлар | 0,5 | 0,5 | 0,4 | 0,5 | 0,5 |
| отоларингологлар | 0,6 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,6 |
| фтизиатрлар | 0,4 | 0,3 | 0,4 | 0,3 | 0,3 |
| невропатологлар | 0,9 | 0,8 | 0,8 | 0,9 | 0,9 |
| психиатрлар | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,3 |
| наркологлар | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 |
| дермато-венерологлар | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,4 |
| стоматологлар | 2,6 | 1,6 | 1,8 | 2,2 | 2,1 |
| санитария-эпидемиология гуруҳ врачлари | 1,4 | 1,4 | 1,1 | 1,2 | 1,1 |
| рентгенологлар ва радиологлар | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,5 |
| онкологлар | 0,2 | 0,1 | 0,1 | 0,2 | 0,3 |

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.


Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес)
субъекти сифатида фаолият юритаётган
шифохона муассасаларидаги врачлар сони
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги врачлар сони 18,5 минг кишига етди ва 2019 йилга нисбатан 7,9 минг кишига, яъни 74,9 % га ошди.




Ҳудудлар кесимида
(2023 йил охирига, минг киши)




Ҳудудлар бўйича таҳлил қилганда, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги врачларнинг энг кўп қисми Тошкент ш. (5,3 минг киши), Самарқанд (1,8 минг киши) ва Фарғона (1,8 минг киши) вилоятларида белгиланган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Навоий (0,4 минг киши), Жиззах (0,4 минг киши) ва Сирдарё (0,5 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони ¹
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил охирида Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони 387,6 минг кишига етган ва 2019 йилга нисбатан 22,0 минг кишига кўпайган, бу эса, ўз ўрнида, 6,0 % га ўсишни ташкил этган.

Ўрта тиббиёт ходимлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023 йил охирига, минг киши)



2023 йилда ўрта тиббиёт ходимларининг энг катта қисми Фарғона (45,9 минг киши), Қашқадарё (39,1 минг киши) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (37,8 минг киши) қайд этилган бўлиб, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (13,4 минг киши), Навоий (15,6 минг киши) ва Жиззах (16,3 минг киши) вилоятларида белгиланган.


Ўрта тиббиёт ходимлари сони – бу кўрсаткич ўрта-махсус тиббий маълумотга эга бўлган соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг умумий сонини акс эттиради. Ушбу тоифага ҳамширалар, фельдшерлар, акушерлар, лаборантлар ва беморларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни парваришлаш билан шуғулланадиган бошқа мутахассислар киритилади.

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси

(тегишли йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан

биринчи мартаба таъхиси аниқланган ҳолатлар сони)




2023 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 60 308,6 та биринчи мартаба таъхиси аниқланган ҳолатларни ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 29,2 % га ошган.

Касалланиш даражаси – бу кўрсаткич маълум бир давр мобайнида ҳар 100 000 аҳолига тўғри келадиган биринчи мартаба рўйхатга олинган касаллик ҳолатлари сонини акс эттиради. У янги касалликларни пайдо бўлиши динамикасини таҳлил қилиш, профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш ва тиббий ресурсларни режалаштириш учун ишлатилади. Ушбу кўрсаткич тиббий ёрдамга илк бор мурожаат этиш ва таъхис қўйиш маълумотлари асосида ҳисобланади.

Ҳудудларда аҳолининг касалланиш даражаси ¹

(2023 йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан

биринчи мартаба таъхиси аниқланган ҳолатлар сони)



¹⁾ **Изоҳ:** Тошкент шаҳрида жойлашган марказий тиббиёт муассасаларининг ҳамда республиканинг барча ҳудудларидан пойтахтга даволаниш учун келадиган беморларнинг кўпчилиги сабабли Тошкент шаҳрида аҳолининг касалланиш даражаси 100 минг кишидан ортган.

Касалликларнинг асосий гуруҳлари бўйича аҳолининг касалланиш даражаси
(2023 йил учун, 100 000 аҳолига нисбатан
биринчи мартаба таъхиси аниқланган ҳолатлар сони)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони ³
(тегишли йил учун, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони 6 918,3 минг кишига етди ва 2019 йилга нисбатан 119,5 минг кишига, яъни 1,8 % га ошди. Тошкент ш. (776,1 минг киши), Фарғона (707,6 минг киши) ва Самарқанд (654,0 минг киши) вилоятларида энг кўп даволанган беморлар акс этирилган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (173,2 минг киши), Навоий (241,4 минг киши) ва Жиззах (252,1 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

¹⁾ Перинатал ёшдаги болаларга нисбатан.

²⁾ 15-49 ёшдаги аёлларга нисбатан.

³⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

Статистик кўрсаткичларга изох

Соғлиқни сақлаш статистикаси – соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг миқдорий хусусиятлари (соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи, уларнинг ҳолати ва жиҳозлари, тиббий ходимлар), аҳоли саломатлиги ҳолатининг миқдорий хусусиятлари умуман олганда ва унинг алоҳида контингентлари, тарқалиши, тузилиши ва умумий аҳоли ва уларнинг алоҳида гуруҳлари билан касалланиш даражаси.

Тиббиёт муассасалари тармоғига барча мулкчилик шаклидаги касалхона ва амбулатория-поликлиника муассасалари, тез тиббий ёрдам муассасалари, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-эпидемиологик станциялар, тиббий-санитария қисмлари ва бошқалар киради.

Шифохона муассасаси – кечаю кундуз тиббий ёрдам кўрсатувчи, беморларни диагностика, даволаш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган, профессионал тайёрланган амалиётга эга, камида битта шифокори мавжуд стационар даволаш муассасаси.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сонига аҳолининг ушбу муассасаларга қатнаб ёки шифокорларнинг уйларга ташриф буюриши орқали аҳолига даволаш профилактика ёрдамини кўрсатувчи муассасалар киради (поликлиникалар, диспансерлар, шифохоналарнинг поликлиника бўлимлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббий санитария қисмлар, амбулаториялар, қишлоқ (шаҳар) врачлик пунктлари, мустақил врачлик тиббиёт пунктлари, аёллар маслаҳат хоналари ва бошқалар).

Аҳолининг касалланиши йил давомида даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда ёки профилактик кўрикдан ўтаётганда аниқланган (ёки диспансер кузатуви остига олинган) илк бор ташхис қўйилган беморлар сони билан изохланади.

Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари – ушбу ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган стационар даволаш-профилактика муассасаларининг (касалхоналар, туғруқхоналар, шифохоналар, ихтисослаштирилган диспансерлар ва бошқалар) шифохона ўринлари мажмуи.

Шифокорларнинг умумий сонига йил охирида тиббиёт, санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, кадрлар тайёрлаш муассасаларида ва бошқаларда ишлайдиган олий тиббий маълумотга эга бўлган барча шифокорлар киради.

Ўрта тиббиёт ходимларининг умумий сонига тиббиёт ва санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва бошқаларда ишлайдиган ўрта тиббий маълумотга эга бўлган барча шахслар (тиш шифокорларидан ташқари) киради.